
Ўзбекистон тумани ҳокими Қахрамонжон Джураевнинг 27 июнь —
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати
билан байрам ТАБРИГИ

Қадрли матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Авалло, Сиз азиз соҳа фидойиларини шарафли касб байрамингиз - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бугун кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган соҳа обрў-эътибори ва нуфузи ҳақида сўз юритар эканмиз, том маънода кўз ўнгимизда холислик ва ҳаққонийликни ўзларига шарафли бурч деб билган олийжаноб ва масъулиятли касб эгаларини тасаввур қиламиз.

Давлатимиз раҳбари кеча Сиз азизларнинг касб байрамингиз муносабати билан йўллаган табригида **“Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, жойлардаги ижтимоий муаммолар, хато ва камчиликларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратаётганини алоҳида қайд этиш лозим”** дея таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, ўз истеъдоди, ижоди, ўткир қалами ва қудратли сўзи билан матбуотимиз ривожига ҳамда юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган Сиз ижод аҳлининг фидокорона меҳнатингизни ҳар қанча эътироф этсак арзийди.

Ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам халқ орасида юриб, одамларни қийнаётган муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиққан, уларни бартараф этиш учун жамоатчилик фикрини шакллантирган сиз, матбуот аҳлининг фидокорона меҳнатингизни яхши биламиз ва қадрлаймиз.

Шу ўринда, аввал ҳам кўп бора таъкидлаганимиздек, Президентимиз томонидан олиб борилаётган очиқлик сиёсатини, мустаҳкам асосга эга фикр эркинлигини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, айнан холис ва конструктив танқид орқали тумандаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашадиган ёки фаолиятимизни эътироф этиб, ёритиб борадиган барча оммавий ахборот воситалари билан доимо мустаҳкам ҳамкорликда иш юритишга тайёрлигимизни маълум қиламиз.

Қадрли дўстлар, жонкуяр журналистлар !

Фурсатдан фойдаланиб, туманимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини кенг тарғиб этиш ва жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш жараёнларида фаол иштирок этиб келаётган Сиз соҳа фидойиларига ўзимнинг ҳамда ҳокимлик жамоасининг чуқур миннатдорлигини билдираман.

Бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор қутлаб, Сизларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, куч-қувват ва узоқ умр тилайман.

Ватанимиз тараққиёти, матбуотимиз ривожига йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!